



Туркистон АССР харбий комиссари К. Осипов бошчилигида совет режимига карши кўтарилган исён (1919 й. 18-21 янв.). 1918 й. охирида К. Осипов бошчилигида советларга карши фаолият кўрсатувчи Муваккат комитет тузилган. Осипов исёни 1919 й. 18 янв. да бошланган. 19 янв. га ўтар кечаси К. Осипов буйруги билан Туркистон АССР МИ К раиси В. Вотинцев, Туркистон АССР ХКС раиси В. Фигельский, ЧК (фавкулодда комиссия) раиси И. Фоменко, Тошкент Совети раиси Н. Шумилов ва б. комиссарлар отиб ташланган.



Туркистон АССР харбий комиссари К. Осипов бошчилигида совет режимига карши кўтарилган исён (1919 й. 18-21 янв.). 1918 й. охирида К. Осипов бошчилигида советларга карши фаолият кўрсатувчи Муваккат комитет тузилган. Осипов исёни 1919 й. 18 янв. да бошланган. 19 янв. га ўтар кечаси К. Осипов буйруги билан Туркистон АССР МИ К раиси В. Вотинцев, Туркистон АССР ХКС раиси В. Фигельский, ЧК (фавкулодда комиссия) раиси И. Фоменко, Тошкент Совети раиси Н. Шумилов ва б. комиссарлар отиб ташланган. Тошкент ш. деярли тўлик исёнчилар кўлига ўтган. Бирок, тез орада коммунистлар Кўкон, Самарканд, Перовскдан кизил аскар отрядларини чакириб, исённи бостиришган. Исёнчиларга карши курашга сўл эсер Г. Колузаев рахбарлик килган. Бу харбий можароларга Эски шаҳардаги маҳаллий аҳоли 1917 й. окт. да бўлгани сингари бефарқ қараган, чунки улар К. Осипов аслида ҳокимиятни эгаллаш учун интилаётганини, Туркистонда демократик республика ўрнатиш ҳақидаги унинг ваъдалари қуруқ сўз

эканлигини тушунганлар. 21 янв. да исён тор-мор килинган, К. Осипов кичикрок отряд билан Фаргона водийсига (Мадаминбек хузурига) борган. У андижонлик Парпи кўрбоши (Парпибек) қароргоҳида ҳам бўлиб, Тошкентдан келтирган советларнинг пул босиш машинасида Кўконкишлоқ (хоз. Пахтаобод)да унинг номидан пул чиқариб, халққа тарқатган. Сўнгра Бухоро амирлигига қочиб борган. 1920 й. да у хорижга ўтиб кетган (унинг Хиндистонда яшагани ҳақида айрим маълумотлар мавжуд).

Совет режими Осипов исёнини бостириш баҳонасида совет тузумидан норози бўлган кўплаб кишиларни террор ва қатъон қилган. Партия ва совет идораларида тозалашлар ўтказилган. (Қаҳрамон Ражабов)

Олтинлар тақдири

Кўзғолон иштирокчилари Бухоро амирлигига қўчиб ўтгандан кейин бор тилла ва қимматбаҳо зийнат буюмлари Бухоро амирига топширилганлиги ҳақида гаплар бор. Ваҳоланки, 1920 йилда Бухоро Қизил армия томонидан босиб олинганидан кейин ҳам бу олтин ва заргарлик буюмлари топилмади.

Эҳтимол, баланд тоғларга чиқишдан ва кейин Фаргона водийсига тушишдан олдин, ҳарбий нуқтаи назардан фойдасиз юклар унга малол келмаслиги ва уларни ташиш вақтида ўзини ҳавф остига қўймаслик учун Осипов баланд тоғли муз доволарига ёки кам сонли тоғ олди қишлоқларига яқинлашишдан олдин ҳазиналарнинг катта қисмини тоғларда яширган.